

## ОБУНА ҲИСОБ-ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

«10» январь 2022 йил

Устав асосида иш кўрувчи, матнда “Бажарувчи” деб юритилувчи “Yangi O‘zbekiston” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти давлат унитар корхонаси томонидан Бош муҳаррир С.М.Дониёров ва матнда “Обуначи” деб юритилувчи УЗМУ номидан

Ўзгаров В.У. мазкур ҳисоб-шартномани қуйидагилар тўғрисида тузди:

1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Обуначи”га қуйида номлари кўрсатилган нашрларга обуна уюштириш ва «Обуначи»нинг иш манзилига етказиб бериш, “Обуначи” обуна ҳақини олдиндан тўлаш мажбуриятини олади:

Индекс	Нашр номи	Бир нусхасининг йиллик нархи	ҚҚС 15%	Жами:	Обуна миқдори (неча нусха неча ойга)	Умумий сумма
236	“Yangi O‘zbekiston” газетаси (Йиллик 252-сон, A2 форматда 6 саҳифада Рангли ўзбек тилида ҳафтада 5 марта чиқади. Етказиб бериш харажатлари билан бирга)	825300	123795	949095	150	142364250
178	“Правда Востока” газетаси (Йиллик 252-сон, A2 форматда 4 саҳифада Рус тилида ҳафтада 5 марта чиқади. Етказиб бериш харажатлари билан бирга)	776160	116424	892584	15	13388760
<b>Жами сумма:</b>						<b>155753010</b>

2. «Обуначи» нашрларнинг исталган турига ўзи истаган миқдорда ёзилиш, нашрлар етказиб берилмаган тақдирда, ўз вақтида етказиб берилишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

3. «Обуначи» нашрлар учун мазкур шартноманинг 6-бандида кўрсатилган 100% олдиндан тўловни амалга ошириш, шартномани бир нусхасини “Бажарувчи”га қайтариш мажбуриятини олади.

4. «Бажарувчи» нашрлар учун олдиндан ҳақ тўланишини талаб қилиш, тўлиқ тўлов амалга оширилмаган ёки нашрларни етказиб бериш манзили аниқ кўрсатилмаган тақдирда нашрларни етказиб бермаслик ҳуқуқига эга.

5. «Бажарувчи» «Обуначи»га нашрларни белгиланган муддатларда етказиб бериш, обуна нашрлари ўз вақтида етказиб берилмаганлиги оқибатида «Обуначи»га етказилган зарарни тўлаб бериш мажбуриятини олади.

6. Шартноманинг умумий баҳоси **155 753 010** (Бир юз эллик беш миллион етти юз эллик уч минг ўн) сўмни ташкил этади.

7. «Обуначи» обуна нашрлари учун 100% фоиз миқдорда «Бажарувчи»га олдиндан ҳақ тўлайди. Тўлов миллий валютада банкдан пул ўтказиш йўли билан (нақд пулсиз тартибда) амалга оширилади.

8. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

9. Обуна нашрларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Обуначи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,05 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган обуна нашрлари қийматининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

10. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга кирилади ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

11. Сув тошқини, zilзила, табиий офатлар, томонларнинг фаолиятига доир Ҳукуматнинг тақиқловчи қарор, қонун ёки фармойишлари чиқиши, шунингдек, шартнома томонларининг ўзларига боғлиқ бўлмаган тарзда мажбуриятларини бажара олмасликлари форс-мажор ҳолатлар саналади. Шартнома шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги форс-мажор ҳолати туфайли келиб чиқиши узрли деб ҳисобланади.

12. Мазкур шартнома бўйича келиб чиққан келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал қилинади. Томонлар ўзаро келишувга эришмасалар, низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида Суд тартибида ҳал этилади.

13. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва томонларга бир нусхадан берилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

#### 14. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

“БАЖАРУВЧИ”	“ОБУНАЧИ”
<b>ДУК “YANGI O’ZBEKISTON va «ПРАВДА ВОСТОКА» газетаси тахририяти</b> <b>Манзил:</b> 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32 уй <b>СТИР:</b> 201 140 445 <b>Х/р:</b> 20210000600127012001 <b>Банк:</b> АТИБ“Ипотека банк” Меҳнат филиали. <b>МФО:</b> 00423 <b>ОКЭД:</b> 58130 <b>Телефонлар:</b> 8371 233-08-83 <b>Бош муҳаррир</b> <b>М.У.</b>	<b>Манзил:</b> <u>Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека</u> <u>г.Ташкент, Вузгородок, улица Университет-4</u> <b>Банк:</b> <u>П/С 400910860262807090100079001</u> <u>ИНН-200845944 (НУУз) ОПЕРУ Казначейство МФ Руз</u> <u>Банк: РКЦ ГУ ЦБ г.Ташкент</u> <b>Х/р:</b> <u>П/С 23402000300100001010</u> <u>ИНН: 201122919 (МФ), МФО-00014 ОКОНХ: 92110</u> <b>МФО:</b> _____, <b>СТИР:</b> _____ <b>ОКЭД:</b> _____ <b>Телефонлар:</b> _____ <b>Раҳбар:</b> _____ <b>М.У.</b>

\*-Тўлов топшириқномасида шартнома рақами, алоқа телефони кўрсатилиши, шартноманинг 1 нусхаси «Бажарувчи»га қайтарилиши лозим.

Яхьева Т. Ҳ.  
\_\_\_\_\_



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

""YANGI O'ZBEKISTON" VA "PRAVDA VOSTOKA" GAZETALARI TAHRIRIYATI" Davlat unitar korxonasi

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

""YANGI O'ZBEKISTON" VA "PRAVDA VOSTOKA" GAZETALARI TAHRIRIYATI" DUK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

15.04.2010

004537-03

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

201140445

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Davlat unitar korxonasi

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirobod tumani, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

